

Миллий Иқтисодиётда Рақобат Мухити Тушунчаси Ва Унинг Мазмун Моҳияти

Ўралов Ўктам Хайрулла ўғли

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Менежмент” йўналиши талабаси

Аннотация: Ушбу мақолада рақобатнинг келиб чиқиши ва ушбу тушунчанинг мазмун очиб берилган. Шунингдек, рақобатни ривожлантиришнинг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти батафсил тушунтирилган.

Калит сўзлар: рақобат, рақобатнинг турлари, монополия, олигополия, иқтисодий ривожланиш, миллий иқтисодиёт, ижтимоий фикр, иқтисодий муносабатлар.

Миллий иқтисодиёт¹ - ижтимоий иқтисодиётнинг мавжудлик шакли; мамлакат, давлат кудудида яшовчи миллат (халқлар)нинг тарихан шаклланган ёки тубдан янгиланаётган, ўзгараётган ва ривожланаётган мулкий ва бошқа ижтимоийиқтисодий муносабатлари, улар билан шартланган, маҳаллий хусусиятларга ҳам эга бўлган иқтисодий фаолият соҳалари, тармоқлари, ташкилотлари, корхоналари, худудлари ва минтақалари системаси. Имкон даражасида ташқи бозор та'сиридан холи бўлган миллий хўжалик системаси. Миллий иқтисодиёт капитализмнинг вужудга келиши ва қарор топиши билан бог'лиқ бўлиб, энг аввало, Англияда шаклланди. Ҳозирги пайтда миллий иқтисодиётнинг капиталистик, социалистик, поссоциалистик ва кам ривожланган мамлакатлардаги капиталистик йўналишли каби турлари ма'лум. Шу билан бирга ҳар бир муайян турдаги иқтисодиётнинг ўз миллий моделлари ва шакллари бор. Масалан, капиталистик миллий иқтисодиётнинг америкача, европача ва японча турлари, миллий моделлари ва уларнинг "аралаш иқтисодиёт" деб аталаётган замонавий шакли бор. Ривожланган мамлакатлардаги "аралаш иқтисодиёт" хусусий ва давлат капиталларига асосланган ҳамда бозор ва давлат томонидан тартибланадиган, бошқариладиган, умумдемократик тамойиллар ҳам қарор топа бораётган капиталистик миллий иқтисодиётдир. Замонавий социалистик миллий иқтисодиёт Хитой, Ветнам ва Кубада мавжуд бўлиб, унга энг муҳим тармоқларда социалистик давлат мулкани ва корхоналарини сақлаб қолган ҳолда, хусусий мулкчиликка, товарли-пулли хўжаликларга ва бозор муносабатларига кенг йўлл очилмоқда.

Ҳаракатлар стратегияси асосида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларнинг дастлабки натижалари юртимиз аҳолиси ҳаётида ўзининг яққол ифодасини топмоқда. Бу эса уларнинг ижтимоий фаоллиги, эртанги кунга ишончи мустаҳкамланишида муҳим омил бўлаяпти².

Мазкур дастуриламал ҳужжатнинг учинчи — Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича аниқ вазифалар белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда иқтисодиётни янада эркинлаштириш, айниқса, тадбиркорлик ҳаракатига кенг йўл очиб беришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бинобарин, иқтисодиётнинг либераллаштирилиши бу давлатни номарказлаштириш бўлиб, унинг иқтисодий бошқарувдаги функцияларини ўзини ўзи бошқариш ташкилотларига, хусусий секторларга ўтиб боришини англатади. Ушбу жараёнда иккита муҳим стратегик вазифани

¹ https://uz.wikipedia.org/wiki/Milliy_iqtisodiyot

² <https://xs.uz/uz/post/iqtisodiyotni-rivozhlantirishda-zamonaviy-yondashuvlar-muhim>

ҳал қилиш зарур. Аввало, хусусийлаштирилаётган мулк ҳақиқий мулкдорлар кўлига берилиши керак. Чунки иқтисодий муносабатларни тубдан ўзгартириш учун реал шарт-шароитлар яратишга имкон туғдирилиши миллий онгнинг ўсиши ва тафаккур тараққиётига олиб келади. Навбатдагиси, иқтисодиётда кўп укладлилики ҳамда рақобат муҳитини яратиш орқали давлатнинг мулкка бўлган монопол ҳуқуқини тугатиш, хусусий мулкчиликнинг турли шаклидаги корхоналарни барпо қилишдир. Бу, ўз навбатида, жамият турмуш шароитига бевосита таъсир кўрсатиб, одамларнинг хусусий мулкка нисбатан қараши ўзгариши, ижтимоий онгнинг шаклланишига хизмат қилади. Энг муҳими, давлат мулки хусусийлаштирилиб, кичик бизнеснинг рағбатлантирилиши туфайли жамиятда мулкдорларнинг янги қатлами вужудга келади. Шу маънода, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ислохотларнинг янги босқичида иқтисодиётда давлат иштироки босқичма-босқич камайтирилаётгани қувонарлидир.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодий ривожланиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари қабул қилиниб, ушбуларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги этиб қайта ташкил этилди. Хизматлар соҳасида фаолият юритаётган корхоналар рақобатбардошлиги деганда рақобатбардош субъектларга нисбатан фаолиятининг кенг кўламлиги ва истиқболлилиги, ҳаражатларни мақсадга йўналтириб кўпроқ фойда олиш қобилятининг кучлилиги тушунилади³.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва бозор механизмларини кенг жорий қилиш тамойилларига асосланган ислохотларнинг янги босқичида давлатнинг иқтисодиётдаги ролини камайтириш ва хусусий секторнинг иштирокини кенгайтириш бўйича навбатдаги ишларнинг натижадорлигини ошириш бугунги кунда иқтисодиётни бошқаришнинг аниқ, шаффоф ва натижага йўналтирилган механизминини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда⁴. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодиёт ривожланиши асосида рақобат пайдо бўлади. Шу боис, рақобат муҳити шаклланиши бозор муносабатларига ўтган ҳар бир мамлакат учун ҳаётий заруратдир, чунки соғлом рақобатга йўл бермай, иқтисодиётда рақобат муносабатларини ривожлантирмай туриб, бозор муносабатларини шакллантириб бўлмайди.

Рақобат – мустақил товар ишлаб чиқарувчи (корхона)лар ўртасида товарларни қулай шароитда ишлаб чиқариш ва яхши фойда келтирадиган нархда сотиш, умуман иқтисодиётда ўз мақеини мустаҳкамлаш учун кураш⁵ бўлиб у бозорнинг барча субъектлари ўртасидаги мураккаб муносабатларни ифодалайди.

Рақобат ишлаб чиқарувчилар учун бозорда ўз ўрнини эгаллаш, товарларни сотиш бўйича улушини кўпайтириш ва доимий ҳаракатда бўлишини ифодаловчи иқтисодий механизмдир. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги қонунида “Рақобат – хўжалик юритувчи субъектларнинг (рақобатчиларнинг) мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг мустақил ҳаракатлари улардан ҳар бирининг товар ёки молия бозоридаги товар муомаласининг умумий шарт-шароитларига бир томонлама тартибда таъсир кўрсатиш имкониятини истесно этади ёки чеклайди”⁶ деб таъриф берилган.

Рақобат кўп қиррали иқтисодий ҳодиса бўлиб, у бозорнинг барча субъектлари ўртасидаги мураккаб муносабатларни ифодалайди. Рақобат – бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашувидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юқори фойда ва кўпроқ нафлилика эга бўлиш учун курашни англатади. Рақобат- таклиф талабдан ошиб кетганда ва бу одатдагидек, фирмалар ўртасида эмас, товарлар ўртасида юзага келган шароитда зарур ҳодиса.

3 <https://eprajournals.com/viewjournal.php?jid=4863>

4 <https://s6831701.sendpul.se/sl/MjU3NzE1NTU4/f1827fae0c6775a3c491323851ad439749f1as1>

5 Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ўз.М.Эн.Т.2006.8 ж. 265 б.

6 Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги қонуни. Халқ сўзи. 2012 йил 7 январ. №5-сон.

Рақобатнинг вазифаси - бир хил талабни турлича қондириш мумкинлигидан юзага келади ва улар қуйидагилар:

1. тартибга солиш вазифаси;
2. ресурсларни жойлаштириш вазифаси;
3. инноватцион вазифа;
4. мослаштириш вазифаси;
5. тақсимлаш вазифаси;
6. назорат қилиш вазифаси.

Рақобатнинг тартибга солиш вазифаси ишлаб чиқаришни талаб (истеъмол)га мувофиқлаштириш мақсадида тақлифга таъсир ўтказишдан иборат; ресурсларни жойлаштириш вазифаси ишлаб чиқариш омилларини улар энг кўп самара берадиган корхона, ҳудуд ва минтақаларга оқилона жойлаштиришдан; инноватцион вазифаси эса фан-техника тараққиёти ютуқларига асосланувчи ҳамда бозор иқтисодиёти субъектларининг ривожланишини тақозо этувчи турли кўринишдаги янгиликларнинг жорий этилишини; мослаштириш вазифаси корхона (фирма)ларнинг ички ва ташқи муҳит шароитларига ратсионал тарзда мослашишига йўналтирилган; тақсимлаш вазифаси ишлаб чиқарилган неъматлар ялпи хажмининг истеъмолчилар ўртасида тақсимланишига бевосита ва билвосита таъсир ўтказиши; ниҳоят, рақобатнинг назорат қилиш вазифаси бозордаги баъзи иштирокчиларнинг бошқа бир иштирокчилар устидан монополистик ҳукмронлик ўрнатишига йўл қўймасликка йўналтирилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. https://uz.wikipedia.org/wiki/Milliy_iqtisodiyot.
2. <https://xs.uz/uz/post/iqtisodiyotni-rivozhlantirishda-zamonaviy-yondashuvlar-muhim>.
3. <https://eprajournals.com/viewjournal.php?jid=4863>.
4. <https://s6831701.sendpuls.se/sl/MjU3NzE1NTU4/f1827fae0c6775a3c491323851ad439749f1as1>.
5. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ўз.М.Эн.Т.2006.8 ж. 265 б.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги қонуни. Халқ сўзи. 2012 йил 7 январ. №5-сон.